

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

РИЗАЕВА МЕХРИБАН АХМАДОВНА

**МИОКАРД ИНФАРКТИДА УГЛЕВОД АЛМАШИНУВИНИНГ
БУЗИЛИШИ ВА ГИПОГЛИКЕМИК ТЕРАПИЯ ИМКОНИАТЛАРИ**

**14.00.05-Ички касалликлар
14.00.03-Эндокринология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро -2025

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферета диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ризаева Мехрибан Ахмадовна

Миокард инфарктида углевод алмашинувининг бузилиши ва гипогликемик терапия имкониятлари.....3

Ризаева Мехрибан Ахмадовна

Нарушение углеводного обмена при инфаркте миокарда и возможности гипогликемической терапии.....25

Rizaeva Mehriban Axmadovna

Disorders of carbohydrate metabolism and hypoglycemic therapy in myocardial infarction.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

РИЗАЕВА МЕХРИБАН АХМАДОВНА

**МИОКАРД ИНФАРКТИДА УГЛЕВОД АЛМАШИНУВИНИНГ
БУЗИЛИШИ ВА ГИПОГЛИКЕМИК ТЕРАПИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**14.00.05-Ички касалликлар
14.00.03-Эндокринология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib3514 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бадритдинова Матлюба Нажмидиновна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Шамансурова Зулайхо Муралимжановна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Юсупова Шахноза Кадыржановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Абдуллаев Равшанбек Бобожонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Курск давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Тиб.93.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ кунини соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувоний кўчаси 23 уй Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ кунини тарқатилди.
(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бутун дунё бўйлаб 18 ва ундан катта ёшдаги 422 миллион киши ёки 8,5% аҳоли қандли диабет билан яшайди. 2019 йилда 1,5 миллион кишининг ўлимига бевосита қандли диабет сабаб бўлган. Халқаро қандли диабет федерацияси (IDF) маълумотларига кўра, 2017 йилда дунё бўйлаб 425 миллион (8,8%) катталар 2-тур қандли диабетдан азият чеккан. Шу муносабат билан диабетнинг асоратлари ва уларнинг ривожланишининг олдини олиш масалалари энг долзарб ҳисобланади¹. ЎМИ билан оғриган беморлар қабул қилинганда юрак қон-томир касалликларидан ўлим хавфининг ошиши гликемия даражаси ва ушбу тоифадаги беморларни кейинги узоқ муддатли кузатув жараёни билан ҳам боғлиқ.

Жаҳон миқёсида Cost burden of type 2 diabetes in Germany ташкилоти маълумотларига кўра ҚД 2-тури билан оғриган беморларда ўлим ҳолатининг 43%и юрак қон-томир касалликлари асоратларидан, 12%и эса цереброваскуляр касалликлар асоратлари оқибатида кузатилади². Миокард инфаркти долзарблиги шубҳасиздир ва кўпгина мамлакатларда юрак қон-томир касалликларининг ўткир ва сурункали шакллари билан аҳолининг касалланиши, ҳамда ўлимнинг кўпайиши тенденцияси билан белгиланади. Касалликнинг ушбу тоифаси нафақат муҳим тиббий, балки ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга, чунки эрта ўлим деб ташхисланади-ганларнинг катта қисми гипергликемия билан боғлиқлиги кўрсатилган³.

Мамлакатимизда сурункали юқумли бўлмаган касалликларни ташхислаш ва даволашга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу касалликлар аҳоли эрта ўлимнинг асосий сабабидир. Уларни олдини олиш учун «...соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касаллик ва уларнинг хавф омиллари бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш...» долзарб аҳамият касб этади⁴. Юрак қон-томир асоратлари частотасининг ортиши углевод алмашинуви бузилишининг барча босқичларида кузатилади, эҳтимол бу ҳолат дисгликемия билан боғлиқ бўлган "кардиометаболик хавф" тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди. Юрак қон-томир асоратларини олдини олишда углевод алмашинувининг бузилишини ўз вақтида ташхислаш ва даволаш асосий аҳамиятга эга. Мазкур тадқиқот иши миокард инфарктида асоратларнинг ривожланишини олдини олишга қаратилган бўлиб, эндокринологлар, терапевтлар ва кардиологлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ва хавф омилларини бартараф этиш, ва эрта ташхислашни янада такомиллаштириш, ҳамда ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

¹ <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/diabetes>

² Ulrich S, Holle R, Wacker M, et al Cost burden of type 2 diabetes in Germany: results from the population-based KORA studies *BMJ Open* 2016;6:e012527. doi: 10.1136/bmjopen-2016-012527

³ Mensah GA, Roth GA, Fuster V. The Global Burden of Cardiovascular Diseases and Risk Factors: 2020 and Beyond. *J Am Coll Cardiol*. 2019 Nov 19;74(20):2529-2532. doi: 10.1016/j.jacc.2019.10.009. PMID: 31727292.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги 4063-сон ПҚ «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорларида белгиланган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади “Юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 18-декабрдаги ПҚ-4063-сонли, “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон, “Эндокринология хизмати кўламини такомиллаштириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 1-январдаги ПҚ-102-сон қарори, шунингдек, ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ бошқа меъёрий ҳужжатларда вазифалар белгиланган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот VI Республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Хавф омилларининг стратификацияси, инвазив стратегияларнинг кенг қўлланилиши, тери орқали коронар аралашувлар (ёки фибринолиз) орқали фавкулотда реваскуляризацияни таъкидлайдиган соғлиқни сақлаш тизимларини жорий этиш, антиагрегант ва антикоагулянт воситалар, статинлар ва бошқалардаги ютуқлар профилактика стратегияларидан фойдаланишни таклиф қилади (Reed GW., 2017). Истикболли когорт тадқиқотлари профилактик скрининг афзалликларини исботлади (Iida M, Harada S, 2019). Юрак ишемик касаллиги, тўсатдан коронар ўлим, юрак етишмовчилиги, бўлмачалар фибрилляцияси, инсульт, саратон ва барча сабабларга кўра ўлим хавфи юқори эканлигини аниқладилар (Aune D, Sen A., 2017).

Юрак қон-томир касалликлари бутун дунёда ўлим ва иқтисодий йўқотишларнинг етакчи сабабларидандир (Самородская И.В. ва ҳаммуаллифлар, 2017). Катта ёшдаги аҳоли орасида, айниқса, қандли диабетга чалинганлар орасида миокард инфаркти билан касалланиш муаммоси алоҳида эътиборга лойиқ (Бойцов С.А., 2017). Бугунги кунда қандли диабет аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатлами орасида кенг тарқалган, ривожланиб боровчи ва жиддий тизимли асоратларга олиб келувчи касалликлар қаторига киритилган. Барча эндокрин касалликлар орасида қандли диабет (ҚД) тарқалганлиги, ўлим ва ногиронлик ривожланиши жиҳатдан биринчи ўринда туради (Матвеева М.В., 2019). Охирги йилларда бирламчи миокард инфаркти билан касалланишни камайтиришда ижобий тенденция кузатилмоқда, такрорий миокард инфаркти билан касалланиш эса ҳар йили ошиб бормоқда. Миокард инфаркти кузатилган беморларда сўнгги пайтларда анамнезида қандли диабет мавжудлиги ёки йўқлигидан қатъий назар, углевод алмашинуви бузилишининг ҳолати ва унинг дастлабки босқичларига катта эътибор қаратилмоқда.

ЎМИ реестри маълумотлари Ўзбекистонда таҳлил қилинган бўлиб, қариялар учун миллий ўлим даражаси 17%ни ташкил этди (Аминов А.А., 2020). Ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида

ЎМИнинг турли шакллари билан касалланиш даражаси ўрганилиб, ЎМИ ёш эркакларда асосан, 60 ёшдан кейин аёлларда кузатилиши аниқланди (Мамутов Р.Ж., 2020). Кекса ва қари ёшдаги аҳолида мавжуд хавф омиллари ва касалликлар, жумладан, артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги, қандли диабет ва бошқа сурункали юқумли бўлмаган касалликлар ўткир миокард инфаркти билан касалланишни 1,5 баробар ошишига олиб келади. Шу сабабли, инсониятнинг ҳаёт тарзи давомида муҳим, ўзгарувчан хавф омилларини максимал даражада бартараф қилиш миокард инфарктининг пайдо бўлишини олдини олади, бу ўз навбатида ўлим ва ногиронликнинг ижобий пасайишига олиб келади (Рахматова Д.Б., 2022). Гипогликемик терапия таъсирини миокард инфаркти ва қандли диабет 2-тури билан оғриган беморларда юрак қон-томир касалликлари асоратларини, ҳамда унинг хавфини олдини олишда ўрганиш долзарбдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг (12.2024 PhD 212) илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро вилояти аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Миокард инфарктини ўтказган беморларда турли даражадаги углевод алмашинуви бузилишларининг тарқалишини, прогностик аҳамиятини, шунингдек, гипогликемик терапиянинг эрта ва кечки юрак қон-томир асоратлари хавфига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқот вазифалари.

миокард инфарктини ўтказган беморларда углевод алмашинуви бузилишларининг учрашини ўрганиш;

миокард инфарктини ўтказган беморларда эрта ва кечки асоратлар хавфи бўйича углевод алмашинуви бузилишларининг прогностик аҳамиятини баҳолаш;

миокард инфарктини ўтказган беморларда гликемик ҳолатни ва углевод алмашинувининг компенсация мезонларини баҳолаш;

углевод алмашинуви бузилишлари аниқланган миокард инфарктини ўтказган беморларда гипогликемик терапия имкониятлари алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот ишида 2022/2023 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий - амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиали кардиореанимация бўлимида даволанган 160 нафар ва РШТЁИМ Бухоро филиали кардиореанимация бўлимида даволанган 837 нафар, яъни жами 997 нафар беморларнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинди. Шунингдек, 2023/2024 йиллар давомида ЎМИ билан оғриган ва интенсив тиббий ёрдам олган 170 нафар ўрта, кекса ва қари ёшдаги беморлар проспектив текширувдан ўтказилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан олинган қон таҳлиллари, электрокардиография ва эхокардиография текшируви таҳлили натижалари хизмат қилган.

Тадқиқот усуллари: Диссертация тадқиқотини амалга оширишда замонавий клиник, лаборатор, умумий қон таҳлили, қон биокимёвий таҳлили (умумий оксил, мочевина, креатинин, липид спектр, глюкоза, гликирланган гемоглобин), сийдик таҳлили, инструментал (электрокардиография ва эхокардиография) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миокард инфаркти ўтказган беморларда углевод алмашинуви бузилишларининг учраши қандли диабет 2-тур ва транзитор гипергликемия билан боғлиқлиги ҳамда қайд қилинган ўлим ҳолатларида қандли диабет 2-тури бор беморлар кўп эканлиги аниқланган бўлиб, мос равишда қондаги глюкоза миқдорининг мақсадли кўрсаткичлардан юқори бўлиши фатал юрак қон-томир асоратлари билан қўшилиб келадиган эрта ўлим сабабларидан бири бўлган хавф омили эканлиги асосланган;

миокард инфарктини ўтказган ва углевод алмашинуви бузилиши бўлган беморларда, гликемик профил ўртача қиймати даволанишнинг учинчи кунда камайиб, тўртинчи ёки бешинчи кунларда ошиши, шунингдек, Charlson индексининг 5 ва 6 баллга тенг бўлиши беморларни 10 йиллик яшовчанлигининг камайиши, уларни юрак қон-томир асоратларидан ўртача ҳар 3 ойда вафот этиш эҳтимоли жуда юқори бўлиши аниқланган;

миокард инфарктини ўтказган қандли диабет 2-тур, транзитор гипергликемия ва углевод алмашинуви бузилиши бўлмаган гуруҳларга мансуб беморларда ҳаёт сифати кўрсаткичларини BREF сўровномаси асосида жисмоний ва психологик сфера, атроф-муҳит омиллари, ижтимоий муносабатлар ва мустақиллик даражаси кўрсаткичларини баҳолаш илмий-амалий исботланган;

миокард инфарктини ўтказган беморларда қондаги глюкоза миқдори ва Charlson индексини инобатга олган ҳолда ўлим ҳавфини башоратловчи махсус яратилган модификация, ҳамда миокард инфарктида углевод алмашинуви бузилишини мувофиқлаштириш, даволаш жараёнини оптималлаштириш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиш беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга, эрта ва кечки юрак қон-томир асоратларининг камайишига асос бўлган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўткир миокард инфаркти билан касалхонага ётқизилган беморларда гликемиянинг кун давомида тебранишларини биринчи соатдан бошлаб мунтазам равишда назоратлаш тавсия этилади;

углевод бузилишлари бўлган ўМИ ўтказган беморларда 10 йиллик ўлим ҳавфини баҳолашда Charlson индекси шкаласидан фойдаланиш, хавф баллари 5 ва 6 жуда юқори хавфни башоратлайди;

миокард инфаркти билан оғриган беморларда углевод алмашинуви бузилишини мувофиқлаштириш, ҳамда даволашни оптималлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган алгоритмга мувофиқ гипогликемик терапия параметрларини қўллаш, юрак қон-томир асоратлари хавфини камайтиришда профилактика чораларини яратишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий клиник, инструментал, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланишга асосланган бўлиб, бу ўрганилаётган беморларда кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцияни аниқлаш имконини беради. Тадқиқотга киритилган

беморларнинг сони етарли, беморлардан олинган таҳлил натижалари ишончли ва ушбу диссертация учун белгиланган барча параметрларга мос келади. Ушбуни статистик таҳлил натижалари тасдиқлайди. Олинган натижалар ушбу соҳадаги халқаро илмий тадқиқотлар маълумотлари билан таққосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, миокард инфаркти билан касалхонага ётқизилган беморларда турли хил углевод алмашинуви бузилишларининг тарқалиши ретроспектив ва проспектив тадқиқотда ўрганилган бўлиб, ЎМИДдан юзага келган эрта ва кечки асоратлар, яъни ўлим айнан гликемик профилнинг ўзгаришлари билан боғлиқлиги, ҳамда Charlson индекси бўйича коморбидлик ҳолати ва ҳаёт сифати баҳоланган, миокард инфаркти билан оғриган беморларда углевод алмашинуви бузилишини мувофиқлаштириш, ҳамда даволашни оптималлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланган ҳолда беморларда гликемия мувозанатини мувофиқлаштириш барча беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга, эрта ва кечки асоратларни камайтиришга асос бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, миокард инфаркти билан касалхонага ётқизилган беморларда гликемик ҳолатни баҳолашни тавсия қилиш ва назарий билимлар даражасини кенгайтириш, наҳорги глюкоза кўрсаткичи углевод алмашинуви бузилиши даражасидан қатъий назар эрта ва кечки асоратларини ривожланишининг прогностик белгиси бўлиб хизмат қилишига, анамнезида 2-тур қандли диабет бўлмаган миокард инфарктини ўтказган беморларда гипогликемик терапия имкониятлари параметрларини ишлаб чиқиш ва анъанавий терапия билан солиштириш юрак қон-томир асоратлари хавфини камайтириш бўйича профилактика чораларини яратишда катта аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миокард инфарктида углевод алмашинувининг бузилиши ва гипогликемик терапия имкониятларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

"Миокард инфарктида гипогликемик терапия имкониятларини такомиллаштириш" мавзусида услубий тавсиянома (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 1-июл октябрдаги №24-м/014-сон маълумотномаси) тасдиқланган. Мазкур услубий тавсияномада миокард инфарктини ўтказган углевод алмашинуви бузилиши бор беморларда гипогликемик терапия қўллаш орқали эрта ва кечки юрак қон-томир асоратларини олдини олишга қаратилган.

Миокард инфарктида углевод алмашинувининг бузилиши клиник-лаборатор, кўрсаткичларини солиштирма таҳлили ва диагностик усулларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13-ноябрдаги № 08/47-хулосаси). Олинган илмий натижаларининг амалиётга жорий қилиниши миокард инфаркти ўтказган беморларда углевод алмашинуви бузилишлари кузатилган ҳолатларда гипогликемик терапияни қўллаш орқали юрак қон-томир

касалликларининг эрта кечки асоратларни олдини олиш, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, мақсад ва вазифаларни, объект ва предметни тавсифлашга бағишланган. Изланишнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Миокард инфаркти тарқалганлиги, хавф омиллари, кечими, асоратлари"** деб номланган адабиётлар шарҳи бобида илмий маълумотлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг ҳозирги ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлардан олинган маълумотлар таҳлил қилинади. Миокард инфаркти, тарқалганлиги, хавф омиллари, кечими, асоратлари ҳақида маълумот берилган. Ушбу бобда адабиётлардан олинган маълумотлар умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари"** номли иккинчи бобида тадқиқот объекти ва предмети, шунингдек, тадқиқотда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқот ишида 2022/2023 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиали кардиореанимация бўлимида даволанган 160 нафар ва РШТЁИМ Бухоро филиали кардиореанимация бўлимида даволанган 837 нафар, яъни жами 997 нафар беморларнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинган.

Шунингдек, 2023/2024 йиллар давомида МИ билан оғриган ва интенсив тиббий ёрдам олган 170 нафар бемор проспектив текширувдан ўтказилган.

Проспектив тадқиқотда иштирок этган 170 нафар МИ ўтказган бемордан 104 нафарини анамнезида ҚД 2-тур мавжуд беморлар, 42 нафари транзитор гипергликемия бор беморлар, 24 нафарини қандли диабет касаллиги бўлмаган беморлар ташкил этди (1-расм).



1- расм. Тадқиқот дизайни.

Текширув талабларига жавоб берадиган махсус ишлаб чиқилган ягона бемор касаллик тарихи бўйича анамнестик маълумотлар, ЭКГ ва ЭхоКГ текширувлари хулосаси, умумий клиник-лаборатор текшириш, коагулограмма кўрсаткичлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилди.

Натижаларни статистик қайта ишлаш: бунда “Exell” дастуридан фойдаланилган. Бунинг учун қуйидаги параметрларни ҳисоблаш амалга оширилди: ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик катталиқ хатоси (m), фарқлар ишончилиги Фишер-Стюдент мезони (p) бўйича аниқланди, агар ишончилиқ даражаси $p < 0,05$ бўлса, кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишончли даражада деб ҳисобланди.

Диссертациянинг "**Миокард инфарктини ўтказган беморларда турли хил углевод алмашинуви бузилишларининг тарқалиши ва асоратлар хавфини ўрганиш**" номли учинчи бобида ўткир миокард инфаркти билан касалланиш ва ўлимнинг таҳлили, хавф омилларининг тарқалиши, ўткир миокард инфаркти ривожланишининг тана вазни билан боғлиқлиги, биокимёвий ва гемодинамик кўрсаткичлар, ЭКГ ўзгаришлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида 2022/2023 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиали кардиореанимация бўлимида даволанган 160 нафар ва РШТЁИМ Бухоро филиали кардиореанимация бўлимида даволанган 837 нафар, яъни жами 997 нафар беморларнинг касаллик тарихи

ретроспектив таҳлил қилинди, ҳамда углевод алмашинуви бузилишининг тарқалганлиги ўрганилган.

2022/2023 йиллар ҳисобида МИ ўтказган 997 нафар беморларнинг касаллик тарихи ўрганилганда анамнезида ҚД 2-тур бор беморларнинг 658 нафаридан 105 нафари вафот этганлиги аниқланди, уларни биз ёш ва жинсга нисбатан учрганлигини ўрганилди. Касаллик тарихидан вафот этган беморлар орасида ёшлар бўлмаган. МИ ўтказган жами беморлардан ўрта ёшдаги 15 та беморнинг 3 нафарини аёл – 20%, 12 нафарини эркак – 80%, кекса ёшдаги жами 50 та беморнинг 18 нафарини аёл – 36%, 32 нафарини эркак - 64%, қари ёшдаги жами 40 та беморнинг 18 нафарини аёл – 45%, 22 нафарини эркак – 55% беморлар ташкил этди. Жумладан, ёшга нисбатан ўлимнинг асосий 47,6 % ини кекса ёшдаги беморлар ташкил қилиб, ушбу ҳолат жинсга нисбатан аёлларда 37%, эркакларда эса 63%, яъни 1,7 марта кўпроқ учраганлиги аниқланди.

2023 йилнинг январь ойидан 2024 йилнинг апрель ойига қадар МИ билан оғриган беморлар гуруҳидан танлов асосида 170 нафар беморнинг розилиги олинди, ҳамда улар тадқиқотга жалб этилди. Тадқиқотда иштирок этган 170 нафар беморларнинг 80 нафарини (47%) аёллар, 90 нафарини (53%) эркаклар ташкил этди.

Ёшга кўра жами 170 нафар МИ ўтказган беморларнинг асосий қисмини катта улуши кекса ёшдагиларга - 58,2 % ни ташкил қилган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар ретроспектив ўрганилган 997 та касаллик тарихидан олинган натижалар таҳлиliga тўғри келди (1-жадвал).

1–жадвал

Беморларнинг ёш жиҳатдан таҳлили (n=170)

Ўрта ёш (45-59)		Кекса ёш (60-74)		Қари ёш (75-90)	
Мут	%	Мут	%	Мут	%
39	30	99	58,2	32	18,8

Тадқиқотда бевосита иштирок этган 170 нафар МИ ни ўтказган беморларда углевод алмашинуви бузилишининг алоҳида гуруҳларида учраши ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

Миокард инфарктини ўтказган беморларда углевод алмашинуви бузилишининг учраши (n=170)

МИ ўтказган ҚД 2-тур бор беморлар		МИ ва транзитор гипергликемия бор беморлар		МИ ўтказган углевод алмашинуви бузилишлари йўқ беморлар	
Мутлоқ	%	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%
104	61,2	42	24,7	24	14,1

Тадқиқотимиздаги 170 нафар МИ ўтказган беморлардан 104 нафарини анамнезида ҚД 2-тури мавжуд бўлган беморлар 61,2% ни, 42 нафари

транзитор гипергликемия бор беморлар 24,7% ни, 24 нафарини қандли диабет касаллиги бўлмаган беморлар 14,1% ни ташкил этди. Ачинарлиси шуки, МИ дан ўлим ҳолати ҳар иккала йилда ҳам эркак беморлар гуруҳида аёллар гуруҳига нисбатан 1,69 марта кўп учраган. Бу ҳолат эркакларда хавф омилларини бартараф этишга жиддий ёндашиш зарурлигини таъкидлайди. Жами 170 нафар беморнинг ўртача ёши $66,93 \pm 1,36$ га тенг бўлди.

Тадқиқотда МИни ўтказган жами беморларда асосий ЭКГ ўзгаришлари таҳлил қилинди (вафот этган беморларни ҳисобга олган ҳолда). МИни ўтказган беморларда асосий ЭКГ ўзгаришлари таҳлил қилинганда, трансмурал МИ эркакларда аёлларга нисбатан 1,35 марта кўп учраган, интрамурал МИ эса аёлларда эркакларга нисбатан 1,21 марта кўп учраган (3-жадвал).

3- жадвал

Миокард инфарктини ўтказган беморларда асосий ЭКГ ўзгаришлари

Беморлар гуруҳи	Q – тишчали (трансмурал) МИ				Q – тишчасиз (интрамурал) МИ			
	Аёл		Эркак		Аёл		Эркак	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
МИ ўтказган ҚД 2 -тур бор беморлар n= 104	33	31,7	36	34,6	19	18,3	16	15,4
МИ ва транзитор гипергликемия бор беморлар n=42	9	21,4	13	31	13	31	7	16,7
МИ ўтказган углеводлар бузилишлари йўқ беморлар n= 24	4	16,7	13	54,2	2	8,3	5	20,8
Жами n=170	46	27	62	36,5	34	20	28	16,5

Диссертациянинг "Миокард инфаркти ўтказган беморларда турли хил углевод алмашинуви бузилишларининг тарқалиши ва асоратлар хавфини ўрганиш" номли учинчи бобида МИ ўтказган беморларда коморбид ҳолатлар, ЭхоКГ ўзгаришлари, гемодинамика, гликемия, биокимёвий ва ЭхоКГ кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги, ҳамда МИ ўтказган беморларда эрта асоратлар хавфини белгилашда углевод алмашинуви бузилишларининг прогностик қиймати ўрганилган ва баҳоланган.

Тадқиқотда катта аҳамият касб этган коморбидлик ҳолати Charlson индексига мувофиқ МИни ўтказган барча беморларда таҳлил қилинди ва 10 йил муддат мобайнида кузатилиши мумкин бўлган ўлим хавфи баллар кесимида баҳоланди (4 -жадвал).

**Charlson индексига мувофиқ 10 йил муддат мобайнида кузатилиши
мумкин бўлган ўлим хавфи, баллар кесимида**

Беморлар гуруҳи	Баллар йиғиндиси (МИ – 1 балл; Қандли диабет: - аъзолар шикастланишисиз – 1 балл, аъзолар шикастланиши билан – 2 балл; СОЎК – сурункали ўпка обструктив касаллиги – 1 балл; ҳазм аъзолари касалликлари – 1 балл; БТДК – бириктирувчи тўқима диффуз касалликлари – 1 балл;)						
	0 балл	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	5 балл	6 балл
МИ ўтказган ҚД 2 -тур бор беморлар n=99	-	-	-	1 (1%)	17 (17,2%)	4 (46,5%)	35 (35,3%)
МИ ўтказган транзитор гипергликемия бор беморлар n=42	-	-	-	8 (19%)	13 (31%)	17 (40,5%)	4 (9,5%)
МИ ўтказган углевод алмашинуви бузилишлари йўқ беморлар n=24	-	-	-	4 (16,6%)	13 (54,2%)	7 (9,2%)	-
Жами	-	-	-	13 (8%)	43 (26%)	70 (42,4%)	39 (23,6%)

Charlson индексига мувофиқ беморларда 10 йил муддатда яшовчанликни фоизлар (%) да баҳолаш, 0-балл – 99%, 1-балл – 96%, 2-балл -90%, 3-балл – 77%, 4-балл – 53%, 5-балл -21%, 6-балл-2%. 50 ёшдан сўнг ҳар 10 йилда + 1 балл кўшиб борилади.

Тадқиқотимизда МИ ўтказган беморларда Charlson индексининг 5 ва 6 баллга тенг бўлганлиги, ушбу беморларнинг 10 йил муддатда яшовчанлиги 21%дан 2 %га камайиб бораётганлигини, бу ҳолат эса жами 165 нафар бемордан 39 нафарида, яъни 23,6% ида ўртача ҳар 3 ойда юрак қон-томир тизими касалликлари асоратларидан вафот этиш эҳтимоли жуда юқорилигини кўрсатди.

Умуман олганда, МИ ўтказган анамнезида ҚД 2-тур мавжуд беморлар ва МИ ўтказган транзитор гипергликемия бор беморлар гуруҳида юрак қон-томир тизими касалликларининг биргаликда келиши бошқа касалликлар гуруҳига нисбатан 67,3%да кузатилган бўлиб, илмий тадқиқот манбаларида кўрсатилгани каби ушбу ҳолатга жиддий ёндашиш зарурлигини таъкидлайди.

Тадқиқотда МИ ўтказган барча беморлар ЭхоКг текширувидан ўтказилди, ҳамда уларда юрак миокарди чап қоринчасининг қон ҳайдаш фракцияси баҳоланди (5-жадвал).

МИ ўтказган беморларда юрак миокарди чап қоринчасининг қон ҳайдаш ҳажми (ЧҚ ҚХХ) ни баҳолаш

№	Эхокг	МИ ўтказган ҚД 2 -тур бор беморлар n= 99	МИ ва транзитор гипергликемия бор беморлар n=42	МИ ўтказган углевод алмашинуви бузилишлари йўқ беморлар n= 24
		M±m	M±m	M±m
1	Охирги диастолик ўлчам (3,5-5,7 см)	5,43±0,06*^	5,27± 0,09*	5,23± 0,08
2	Охирги систолик ўлчам (2,8-3,5 см)	4,02±0,07**^^	3,81±0,08*	3,58±0,08
3	Коринчалараро тўсиқ қалинлиги (0,6-1,1 см)	2,26±1,15*^	1,18±0,08*	1,12±0,03
4	Орқа девор қалинлиги (0,6-1,1 см)	1,13±0,01*^	1,18±0,02*	1,17±0,02
5	Охирги диастолик ҳажм (97 мл)	140,27±3,30***^^^ ^	126,98±5,53*	128,63±4,58
6	Охирги систолик ҳажм (48,5 мл)	70,08±2,25***^^	63,62±3,65**	59,92±2,39
7	Зарб ҳажми (48,5 мл)	72,31±1,42*^^	67,19±2,32**	74,83±2,90
8	ЧҚ ҚХХ (< 55%)	50,33±0,56*^	51,45±0,88*	54,71±1,05

Изоҳ: * - фарқлар МИ (ҚД 2 тур йўқ) беморлар аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001), ^ - фарқлар транзитор гипергликемияли бор беморларга нисбатан аҳамиятли (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001).

МИ ўтказган анамезида ҚД 2-тур мавжуд беморлар гуруҳида ЧҚ ҚХХ нинг ўртача қиймати 50,33±0,56 ни, МИ ўтказган транзитор гипергликемияли бор беморлар гуруҳида ЧҚ ҚХХ нинг ўртача қиймати 51,45±0,88 ни, МИ ўтказган (ҚД йўқ) беморлар гуруҳида эса ЧҚ ҚХХ нинг ўртача қиймати 54,71±1,05 ни ташкил этди. МИ ўтказган ҚД мавжуд, ҳамда транзитор гипергликемияли бор беморлар гуруҳида углевод алмашинуви бузилиши бўлмаган беморлар гуруҳига нисбатан 1,07 марта ЧҚ ҚХХ камайганлиги қайд этилди. Бу билан, тадқиқотда 5 нафар беморда вужудга келган ўлим ҳолати айнан чап қоринча миокарди қон ҳайдаш ҳажми камайганлиги туфайли ҳам содир бўлганлиги эътибордан холи эмас.

Тадқиқот давомида стационар шароитида даволанаётган беморларда МИдан келиб чиққан асоратлар ва ушбу асоратлар туфайли кузатилган ўлим ҳолати таҳлил қилинди (6 -жадвал).

Миокард инфарктдан келиб чиққан асоратлар ва ўлим ҳолати

№	МИ Асоратлари n=41	Даволанишнинг 2- кун		Даволанишнинг 5- кун		Даволанишнинг 2-ҳафтасида	
		А	Э	А	Э	А	Э
1	Ўткир чап қоринча етишмовчилиги (вафот этган)	2(1,2%)	3(1,8%)	-	-	-	-
2	Бўлмачалар фибрилляцияси	1(0,6%)	4(2,4%)	-	-	2(1,2%)	5(2,9%)
3	Қоринчалар пароксизмал тахикардияси	-	-	3(1,86 %)	4(2,4%)	-	-
4	Инфарктдан кейинги эрта стенокардия	-	-	-	-	8 (4,7%)	9 (5,3%)
Жами		3(1,8%)	7(4,1%)	3(1,8%)	4 (4,1%)	10 (5,9%)	14 (8,2%)

Назорат давомида жами МИ билан касалланган 170 бемордан 41 нафар (24,1%) беморнинг «Ўткир миокард инфаркти бўлган беморларда интенсив гипогликемик терапия учун ўзгартирилган протокол»га мувофиқ даволанишига қарамасдан миокард инфарктини ўтказганини 2-кунида ўткир чап қоринча етишмовчилиги (Killip IV синф бўйича) 5 нафарида, яъни 2 нафар аёлда (1,2%), 3 нафар эркакда (1,8%) вужудга келди ва улар вафот этди, 5 нафарида бўлмачалар фибрилляцияси, яъни 1 нафар аёлда (0,6%), 4 нафар эркакда (2,4%), 5-кунида қоринчалар пароксизмал тахикардияси 7 нафарида, яъни 3 нафар аёлда (1,8%), 4 нафар эркакда (2,4%) ривожланди ва ушбу ҳолат шошилиш тарзда бартараф этилди.

Миокард инфарктини ўтказган сўнгги 2-ҳафтада 17 нафар беморда инфарктдан кейинги эрта стенокардия, яъни 8 нафар аёлда (4,7%), 9 нафар эркакда (5,3%), 7 нафарида, шундан 2 нафар аёлда (1,2%) ва 5 нафар эркакда (2,9%) эса кечки асорат бўлмачалар фибрилляцияси қайд этилди, ҳамда бу ҳолат шошилиш тарзда бартараф этилди. Жумладан, тадқиқотимизда қайд этилган ушбу кўрсаткичлар жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ, 2021) ва илмий адабиётлар маълумотларига мос келди.

Энг аҳамиятлиси шундан иборатки, 170 нафар бемордан 41 нафар беморда, яъни 24,1 %ида асоратларнинг вужудга келиши асосан эркакларга тўғри келган бўлиб, айнан ўлим ҳам 12,2% учраган бўлса-да, унинг асосий улуши –7,3% эркакларга тўғри келди, ҳамда юқорида таъкидлаб ўтилган эрта ва кечки асоратлар эркакларда кўп учраган бўлиб, МИни ўтказган ҚД мавжуд ёки транзитор гликемия бор беморларнинг асосий улуши аёлларга тўғри келган бўлсада, юзага келган асоратларнинг эркакларда кўп учраши сабабли ўлим фоизи ушбу жинс эгаларида кўп учради.

Жумладан, ўлим ҳолати ўрта ёшдаги беморларда 1:1 нисбатда (аёл:эркак) 50% дан, кекса ёшдаги беморларда эса 1:2 нисбатда 33% : 67% да аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар ретроспектив тадқиқотимизга мувофиқ, ўлимнинг асосий фоизи эркакларда кекса ёшга тўғри келганлигини кўрсатди.

Диссертациянинг тўртинчи боби "**Миокард инфаркти ўтказган беморларда турли хил углевод алмашинуви бузилишларини олдини олиш тамойиллари**" деб номланган бўлиб, турли хил углевод алмашинуви бузилишлари бор МИ билан оғриган беморларда глюкоза ва гликемик

ҳолатни кузатиш, ҳамда эрта ва кечки асоратлар хавфини ўрганишга бағишланган.

"Ўткир миокард инфаркти бўлган беморларда интенсив гипогликемик терапия учун модификацияланган протокол" қандли диабет 2-тур асосий касаллиги бўлган ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) билан оғриган беморларни даволаш учун ишлаб чиқилган ва қайта кўрилган протокол (Максимов И.В., Белокопитова Н.В., Сыркина А.Г., 2017) бўлиб, МИ билан оғриган беморни қабул қилгандан сўнг, ўткир коронар синдромли беморларга шошилиш ёрдам кўрсатиш бўйича қабул қилинган кўрсатмаларга мувофиқ диагностик тестларни ўтказиш учун шошилиш қон топшириш амалга оширилди, бу гликемия даражасини аниқлаш учун биокимёвий қон тестини ўз ичига олади. Капилляр қондаги глюкоза миқдорини аниқлаш глюкометр ёрдамида амалга оширилди.

МИ билан оғриган беморларда гликемия даражаси 10,0 ммоль/л дан юқори бўлган 141 нафар беморда интенсив гипогликемик терапия қабул қилинган протоколга мувофиқ амалга оширилди. Реанимация бўлимининг тиббий ходимлари томонидан беморга веноз катетер гликемия даражасини кузатиш ва томир ичига инсулин юбориш мақсадида такрорий қон олиш учун ўрнатилди. Вена ичига инсулин инфузион дозатор ёрдамида киритилди. Инфузион эритма 50 мл физиологик эритма учун суўлтирилган 50 бирлик оддий инсулин миқдоридан тайёрланди. Инсулинли инфузион тезликнинг ўзгариши, клиник ҳолатнинг ўзгариши бор беморларда бир соатдан кейин гликемия назорати ўтказилди. Гликемия назорати 3 ўлчов давомида унинг қиймати 7,8-10,0 ммоль/л даражасида барқарорлашгунча 1 марта/соат кузатилди. Кейинчалик, гликемик назорат 1 марта / 2-3 соатда амалга оширилди.

Интенсив гликемик мониторинг айниқса ИИТ (инфузион инсулин терапия)ни ўтказишда 2-тур қандли диабет билан оғриган ўткир коронар синдромли беморларни даволашнинг ажралмас қисмидир. Физиологик стресс остида инсулин сезгирлигидаги динамик ўзгаришлар шароитида инсулинни хавфсиз дозалаш тез-тез ва аниқ гликемияни аниқлаш талаб қилади.

МИни ўтказган углевод алмашинуви бузилишлари кузатилмаган 24 нафар беморларда қондаги глюкоза миқдори меъёрий ҳолатда бўлганлиги тўғрисида 4.2-жадвалга киритилмади.

«Ўткир миокард инфаркти бўлган беморларда интенсив гипогликемик терапия учун ўзгартирилган протокол»га мувофиқ барча беморларга инсулин инфузияси ўтказилди (7-жадвал).

7-жадвал

МИ ўтказган беморларда интенсив инсулинотерапия

Бемор сони		Капилляр қонида глюкоза миқдори	Бемор сони		ИИТдан сўнг 1- кун 0,5 ТБ/ соатига	ИИТдан сўнг 1- кун 1ТБ/ соатига	ИИТдан сўнг 1- кун 2 ТБ/ соатига
Мут.	%		Мут.	%			
96	68,1	10,0 – 12,0 ммоль/л	75	78,1	4,0 – 7,8 ммоль/л	-	-
33	23,4	12,0 – 15,0 ммоль/л	25	76	-	10,0 – 12,0 ммоль/л	-
12	8,5	15,0 – 18,0 ммоль/л	9	75	-	-	12,0 - 15,0 ммоль/л
141	100		109	77,3			

Яъни, капиляр қонида глюкоза миқдори - 10,0 – 12,0 ммоль/л, бўлган жами 96 нафар беморда ИИТ дан сўнг 1-кун 0,5 ТБ/ соатига юборилгандан сўнг 75 нафарида 78,1% капиляр қонида глюкоза миқдори - 4,0–7,8 ммоль/л, га тушди.

Капиляр қонида глюкоза миқдори - 12,0–15,0 ммоль/л, бўлган жами 33 нафар беморда ИИТ дан сўнг 1-кун 1 ТБ/ соатига юборилгандан сўнг 25 нафарида 76 % капиляр қонида глюкоза миқдори - 10,0 – 12,0 ммоль/л, га тушди.

Тадқиқотдаги 12 нафар беморларнинг капиляр қонида глюкоза миқдори - 15,0 – 18,0 ммоль/л, бўлган жами 12 нафар беморда ИИТ дан сўнг 1-кун 2 ТБ/ соатига юборилгандан сўнг 9 нафарида 75 % капиляр қонида глюкоза миқдори - 12,0–15,0 ммоль/л, га тушди. МИни ўтказган углевод алмашинуви бузилишлари кузатилмаган 24 нафар беморларда қондаги глюкоза миқдори меъерий ҳолатда бўлганлиги туфайли б-жадвалга киритилмади.

Ушбу муолажадан сўнг, МИ ўтказган углевод алмашинуви бузилиши бор жами 141 нафар беморларнинг 32 нафарида мақсадли гликемик кўрсаткичларга эришилмади. Жумладан, ушбу беморларда МИ нинг 2-кунда гликемик даражаларнинг юқори лабиллиги инсулин инфузион терапиясини давом эттиришни талаб қилди, ҳамда кўшимча перорал глюкозани пасайтирувчи дори воситалари тавсия этилди (натрий-глюкоза котранспортер-2 (SGLT2) ингибиторлари гуруҳига мансуб – эмаглиф 10 мг). МИ ни ўтказган ҚД 2-тур бор беморларнинг 99 нафаридан 67 нафарида мақсадли гликемик самарадорликка эришилди. Қолган 32 нафар беморга инсулин терапия билан биргаликда МИ нинг 3-кундан бошлаб кўшимча перорал глюкозани пасайтирувчи дори воситаларидан натрий-глюкоза котранспортер-2 (SGLT2) ингибиторлари гуруҳига мансуб – эмаглиф 10 мг тавсия этилди. (8 - жадвал).

8- жадвал

МИ ўтказган беморларда гипогликемик терапия натижалари

Гуруҳлар	Пархез ва инсулинотерапия (1-2 гуруҳлар, n=141)	Пархез ва инсулинотерапия + эмаглиф (1-гуруҳ, n=32)	Гипогликемик давосиз пархез (3-гуруҳ, n=24)
1 кун	77% (109) *	-	100% (24)*
2 кун	23% (32) ^^	-	-
3 кун	-	22% (7)*	-
4 кун	-	31% (10)*	-
5 кун	-	47% (15)*	-

Изоҳ: *самарадорликка эришилди; ^^ самарадорликка эришилмади;

МИни ўтказган ҚД 2-тур ва транзитор гипергликемия кузатилган 141 нафар беморларда инсулин инфузион терапияси амалга оширилиб, биринчи кунда 109 нафар (77%) ни ташкил этиб ижобий самарадорликка эришилди, аммо қолган МИ ўтказган ҚД 2-тур бор беморларнинг 32 нафар (23%)ида ИИТнинг иккинчи кунда мақсадли гликемияга эришилмагач, ИИТ дозасини

